

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ

Қишда қулуннай шипди: бир мавсумда 30 миллион сўм даромад

3-САҲИФА.



## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ

“МАЙДОН, ЎЙИНГОҲ ва МАҲАЛЛАГА ИДОРА ЖУДА ЗАРУР”

4-САҲИФА.



## СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ

Муаммолар сектор – “еттилик” кўмағида ҳал этиляпти

5-САҲИФА.

# Маҳалла

WWW.UZMAHALLA.UZ • №11 • 2024 йил 17 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

## “Янги ҳаёт” маҳалласи Ўзбекистонга намуна бўлади

КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятида бўлди. Ташриф давомида давлат раҳбари Хонобод шаҳрига келиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Санжар ИСМАТОВ, “Mahalla”

Ташриф давомида давлат раҳбари саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича келгуси вазифаларни белгилаб берди.

Хонобод – мамлакатимизнинг энг шарқий ҳудуди. Чегарада жойлашгани сабабли илгари ёпиқ шаҳар эди. Охириги йиллардаги ўзгаришлар, яхши қўшничилик сиёсати натижасида Хонобод очилди, унинг иқтисодиёти анча соғломлашди, аҳоли турмуш даражаси оша бошлади. Бугун бу ерда туризм, саноат, мева-сабзавотчилик ва хизматлар ривожланмоқда.

“Янги ҳаёт” маҳалласи фаоллари давлат раҳбарига одамларнинг турмуш тарзи ҳақида сузлаб берди. Бу маҳаллада 3 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ва коллежларда сифатли таълим учун шароитлар бор. Тоғ ёнбағридаги дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва томорқа хўжалиқларида аҳоли иш билан банд.

Бундан ташқари, ундан ортиқ уй меҳмонхонаси, йигирмага яқин савдо дўкони, сартарошхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Утган йилда маҳалладаги юз нафардан ортиқ ишсиз аҳоли доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди. Яна 181 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган.

Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги фармонида мувофиқ, маҳалла институтининг жамиятимизда ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатидаги роли оширилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилатика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат “маҳалла еттилиги” ташкил этилди.

Давоми 2-саҳифада.



## Ватаннинг мард ўғлонлари маҳаллада улғаяди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчилари, ҳарбий таълим муассасалари курсантлари учун “Мард аскарга совға” туркумида ихчам китобларни нашр этиш йўлга қўйилди. Қуролли Кучлар академиясида ушбу туркумда чоп этилган 7 та китобнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Унда Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, вазирлик фахрийлари, офицер ва сержантлар, ҳарбий таълим муассасалари ва “Темурбеклар мактаблари” курсантлари, муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда танқили шоир, ёзувчилар, санъаткорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган жадал ислохотлар туфайли юртимизда шаклланган “Халқ билан армия – бир тану бир жон” деган эзгу аънава, айниқса, ижодкорлар ва ҳарбий хизматчилар орасида тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Давоми 2-саҳифада.



“Мард аскарга совға” туркумидаги тўпламларда истеъдодли адибларнинг юксак инсоний фазилатлар тараннум этилган энг сара ҳикоялари, шеър ва

Тадбиркорлар сонини 110 мингтага ошириш қандай иқтисодий натижа беради? 5-с.

дostonларидан парчалар, шу мавзудаги машҳур кўшиқлар матнлари жамланган.

Айтиш керакки, “Мард аскарга совға” лойиҳасини мунтазам давом эттириш ва ушбу китобларни тез орада барча ҳарбий қисмлар ва округлар, ҳарбий таълим муассасаларига етказиш режалаштирилган. Бу каби тақдимотлар маҳаллалар ва мактабларда ташкил этилади. Тўпламлардан ўрин олган асарларнинг барчаси юрт ҳимоячиларини, ёшларни юксак ватанпарварлик, жасорат ва матонат, фидойиликка даъват этади.

Давоми 4-саҳифада.

## “Маҳалла еттилиги”га КРІ асосида баҳо берилади

МЕЗОН

Бугун маҳалла тизими аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида майдонга чиқмоқда. Бу жараёнда тизим вакиллари кенг ваколатлар берилди, ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг маҳалла даражасида кўрсатилишига эътибор қаратилди. Энг муҳими, барча муаммолар, масалалар маҳалланинг ўзида ечим топиши – бирламчи вазифага айланди.

Ўз навбатида бу жараёнда “маҳалла еттилиги” вакиллари ўз ишининг устаси бўлиши, вазифаларини яхши англаши, сидқидилдан меҳнат қилиши, намунали иш тажрибаларини оммалаштири-



ши лозим. Бироқ шундай вақтлар бўлдики, маҳалла ходимлари бир жамоа сифатида ишламади, боиси ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва профилатика инспектори маҳалла раисига бўйсунмас эди. Молиявий ва маъмурий ресурс-

лар мавжуд эмас, ёрдам ва субсидиялар тайинлашда раис билан маслаҳатлашилмас эди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла раисининг нуфузи пасайиб кетган эди.

Шу билан бирга, ташаббус ва фидойилик кўрсатмаётган айрим раислар учун маҳалла дам олиш масканига айланиб қолгани айни ҳақиқатдир. Баъзилари ўз устида ишламай қўйди, тажриба орттирмади, ҳудудга мос илғор иш тажрибаларини яратмади. Маҳалла маълум вақт ислохотлар жараёнидан узилиб қолгандек таассурот уйғотди. Бу масалаларнинг ечими сифатида Президентнинг тегишли фармони ва қарори қабул қилинди. “Еттилик” вакилларининг аниқ вазифалари белгилаб берилди.

Давоми 2-саҳифада.

## Ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, маҳаллада назорат муҳим

“МАКТАБ – ОТА-ОНА – МАҲАЛЛА”

...Фармон ака ҳар кунги одати-га кўра бугун ҳам барвақт уйғонди. Оқсоқол эрталабки юмушларини тугатиб, нонушта қилмасдан маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб сари йўл олди. Бу ерда у педагоглар билан бирга ўқувчиларни кутиб олади, уларнинг даволатини назорат қилади.

Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” маҳалласи раиси Фармон Юсуповнинг ҳар кунги иш фаолияти шундай бошланади. Маҳалла-



да 571 та хонадон, 685 та оилада 2 мингдан зиёд турли миллат вакиллари аҳил, иноқ истикомат қилишмоқда. Ҳудудда “Мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлиги узвий ташкил этилган.

Президент раислигида 5 февраль кунги ўтказилган ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, “маҳалла еттилиги” аъзолари ўқувчиларнинг дарсларда тўлиқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида кундалик вазифаларини мактабда қулиқ даволатини назорат қилишдан бошлади.

Давоми 2-саҳифада.



## Ихтиро ўғирликка эмас, тараққиётга хизмат қилса...

Мобил дастурлар яратиб, улар орқали ўзгаларнинг пластик карталаридаги маблағларни ўғирлаган киберфирибгарларга суд ҳукми ўқилди.

6-с.

## Янги ижтимоий тузилма инсон манфаатларига хизмат қилади

Статистик маълумотларга қараганда, бугун аҳолининг 40 фоизга яқинроғи турли йўналишдаги ижтимоий нафақа ва ёрдамлар олмоқда. бу боқимондалик кайфиятига тушиш натижасида давлат томонидан бериладиган пулга қараб, ижтимоий, маънавий заиф қатламнинг ортиб кетаётганидан дарак эмасми? Ёрдамга муҳтож аҳоли қолиб, қўша-қўша уйи, машинаси бор айрим одамлар ёрдам олишдан умидвор экани бор гап.

7-с.



8-с.

ҲАР ОЛТИТА ОИЛАДАН БИТТАСИ АЖРАЛИШГАН



Президент Андижон шаҳридаги санъат мактабига ШЕРАЛИ ЖҶРАЕВ номини бериш таклифини илгари сурди.



Президент имзолаган тегишли ҳужжатга кўра, бешта қонун ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ битимларига уйғунлаштирилди.



Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИНИ КўРСАТУВЧИ ахборот тизими ишга туширилади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

## “Маҳалла еттилиги”га КРІ асосида баҳо берилди

МЕЗОН



Санжар ИБРОҶИМОВ.

Бу жараёнда ходимларнинг ўз салоҳиятини бойитиб бориши, иш самарадорлигини ошириш учун КРІ асосида баҳолаш тартиби жорий этилди. Шу вақтгача “еттилик” вакилларида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли КРІ бўйича баҳоланарди. Шунга кўра, уларга қўшимча рағбат қўланилган.

**Маълумот:** КРІ (Key performance indicator) — бу, асосий иш самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланиб, ташкилот, бўлим ёки шахснинг фаолият натижаларини баҳолашнинг тўққизлиги.

Эндиликда “маҳалла еттилиги” аъзолари асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича алоҳида баҳоланади. Бунда кўрсаткичлар уларнинг иш бевуқлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Эътиборлиси, бунда раисларнинг роли кучайтирилади, барча аъзоларнинг КРІ баҳолашнинг 20 фоизини айнан маҳалла раислари амалга оширади.

Бу жараёнда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”га асосан, маҳалладаги таъйик ва зўравонликка учраган аёлларга берилган ҳимоя ордери сони бўйича хотин-қизлар фаолининг самарадорлик кўрсаткичи ҳамда олис ҳудудларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиларнинг «янги ташкил қилинган субъектлар» кўрсаткичи қайта кўриб чиқилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, баҳолаш жараёнида ҳар бир ходимнинг ўз функционал вазифаларини сидқидилдан бажаргани, аҳоли розилигига эришгани, ташаббускорлиги билан бирга, фуқаролар йиғинларининг географик жойлашувини инобатга олиш зарур, деб ўйлаймиз. Бойси маҳаллалар шаҳарда, туман марказида, туман марказигача 30 километр ва ундан олис масофада, тоғли ва чул ҳудудда, чегара (ёки анклав) ҳудудда жойлашганига эътибор берилиши керакки, бу баҳолашнинг адолатли бўлишини таъминлайди. Зеро, айрим шаҳар маҳаллаларидаги имкониятлар билан олис қишлоқлардаги шароитни ўзаро таққослаб бўлмайди.

Қолаверса, баҳолаш натижалари янги шакллантирилиши кутилётган “Маҳалла баланси” ягона электрон платформасида тегишли маҳалла фуқаролари учун очик ҳолатда эълон қилиб борилиши зарур. Шунда бевосита маҳалла аҳолисининг ўзи йиғин ходимларининг иш самарадорлигини кузатиш имконига эга бўлади. Мазкур платформага ҳар бир ходимнинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширганга оид маълумотларнинг киритиб борилишини ҳисобга олсак, одамлар баҳолашнинг қанчаллик адолатли ва шаффоф ўтганига ўзлари баҳо бера олади.

Умуман олганда, баҳолаш тизимининг йўлга қўйилиши маҳаллалар фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади, ходимларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашиши, ҳамжиҳатликда фаолият юритишига замин яратаяди. Қолаверса, КРІ асосида ходимлар доимий рағбатлантирилиши, намунали иш тажрибалар оммалаштирилиши, натижаси “қоникарли” ёки “қоникарсиз” баҳоланганлар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

КУН НАФАСИ



Фото: Носир ХАЙДАРОВ.

Ҳар бир маҳалланинг ўз имкониятлари, анъаналари, одамларнинг хоҳиш-истаклари бор.

## “Янги ҳаёт” маҳалласи Ўзбекистонга намуна бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизим вакиллари билан суҳбатлашди. — Биз биринчи кундан халқ билан мулоқот, халқни рози қилишга киришганмиз. Шунинг учун маҳалла тизимини биринчи бўлин сифатида ривожлантиряймиз. Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. Бу халқнинг дарди, овози, дегани. Маҳалладаги давлат вакиллари берилган ваколат ва маблағлардан фойдаланиб, дунёқарабини ўзгартириб, одамларни рози қилиши керак. Ишонманки, “Янги ҳаёт”

Президент маҳалла гузари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ҳам кўздан кечирди.

маҳалласи Ўзбекистонга намуна бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. Давлатимиз раҳбари шу ерда яшовчи Салоҳиддин Усмонов хонадониде меҳмон бўлди. Оила бошлиғи рафикаси Зиёда опа билан икки фарзандни воёга етказган. Ховли обод. Уй замонавий қиё-

фага эга, томига қуёш панеллари ўрнатилган. Шунингдек, энергия тежамкор алоҳида иситиш тизими барпо этилган.

Сўнгги йилларда Хонободда туризм ривожланмоқда. Инфратузилма яшиланиб, сайёҳлар жалб этилмоқда. Бу имкониятлардан фойдаланиб, хонадонда уй меҳмонхонаси ташкил этилган. Қолаверса, С.Усмонов қишлоқ хўжалиги мутахассиси, шу боис кўзиқорин етиштириши йўлга қўйган.

Президент бундай омилкорликни маъқуллаб, бошқа жойларда ҳам қўллаш муҳимлигини таъкидлади.

— Ҳар бир маҳалланинг ўз имкониятлари, анъаналари, одамларнинг хоҳиш-истаклари бор. Маҳалла уюшмаси ва иқтисодий комплекс вакиллари уларни аниқлаб, қўллаб-қувватласа, аҳолини банд қилиш, даромад манбаи яратиш мумкин. Шунинг учун ҳамма масъуларни қўйи бўғинга тушириб, ҳудудларни маҳаллабй ривожлантиришга эътибор қаратаймиз, — деди Президент.

“МАКТАБ — ОТА-ОНА — МАҲАЛЛА”

## Ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, маҳаллада назорат муҳим

Абдували ХУДОЁРОВ.



— Маҳалладаги ўқувчиларнинг давомати “еттилик” вакиллари билан бирга назорат қилинаётгани айни мундано бўлди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 28-умумтаълим мактаби директори Муқаддас Сатторова. — Мактабимизда 1 044 нафар ўқувчи тахсил олади. Гапнинг очиги, тизимли назорат ўрнатилганига қадар ўқувчиларни тўлиқ дарсга қамраб олиш қийинчилик тўғдирарди. Баъзида ота-оналарга тушунтириш олмадик. Эндиликда бу долзарб вазифага “маҳалла еттилиги” вакиллари бево-сита ёрдам бермоқда. Дарс қолдирадиган ўқувчиларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишларини олиб боряймиз. Натижада ҳозирда даволат 94-95 фоизни ташкил этмоқда.

Маҳалла раиси Фармон Юсуповнинг қайд этишича, мазкур мактабда қўшни “Темирйўлчи”, “Барака”, “Меҳнат” ва “Янги равоат” маҳаллаларидан келган ўқувчилар таълим олишади. Мазкур йиғинлар вакиллари билан даволатни қатъий режа асосида назорат қилишга келишиб олинган.

— Ўрганишлар давомида бир нафар ўқувчи муттасил равишда дарсларни қолдираётгани маълум бўлди, — дейди Фармон Юсупов. — Унинг ота-онаси билан тушунтириш ишлари ўтказилган, биласизми, ҳолат ижобий томонга ўзгарди. Ҳозир ушбу ўқувчи дарсларга мунтазам катнашиши билан бирга, сартарошлик тўғрарининг фаол аъзоларида бирига айлан-ди. Қисқа фурсат ичида қўли анча келишиб қолди. Келгусида бундай қобилиятли ёшлар учун маҳалла биносидан жой ажратиб, уларга ёрдам бермоқчимиз.

Маълумотларга кўра, 2023 йили воёга етмаганлар 3,5 мингга жиноятни содир этган бўлса, шундан 2 280 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил қилган. Мавжуд муаммоларга ижобий ечим топиш мақсадида мактаблардаги инспектор-психологлар штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилди.

Яна бир гап. Ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этиш кўрсаткичлари ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида “e.maktab” электрон кундалигига қайтар кириштирилди, дарсларга қатнашмайдиган ўқувчиларнинг ота-оналарига огоҳлантириш хатлари юборилади. Ота-оналарга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси (болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида-

ми мажбуриятларни бажармаслик) мазмун-моҳияти тушунтириляпти. Бу орқали дарсда иштирок этмаётган ўқувчилар оила аъзоларининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилади.

Даволат мактабда ўқувчиларга эътиборни, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар аҳамиятини, ўқитувчиларнинг ўз ишига ёндашувини кўрсатади. Даволат мактабнинг уриб турган юрагига қиёсланади. Шунинг эътиборига олиб, жараёнда педагоглар масъулиятини ошириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, улар учун тўғараклар ва машғулотлар сонини ошириш чоралари ҳам қўриломоқда.

Умуман олганда, юқоридеги ташаббус амалиётда тўла йўлга қўйил-са, ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада назорат бўлади. Бугун маҳалладан, мактабдан, ота-онадан талаб қилаётган нарсаси ҳам шу аслида...

## “Таълимга, тарбияга, даволатга фақат биз қайғурардик...”

ҲАМКОРЛИК

Турсуной ХАЛИЛОВА, Кармана туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори.



Бугун мамлакатимизда ўқувчиларнинг сифатли ва замонавий таълим олиши учун барча шароитлар яратилган. Педагог-ўқитувчилар масъулиятини ошириш, таълим жараёнида ота-оналар ва маҳалла иштирокини кенгайтириш чоралари қўриляпти.

Президент ташаббуси билан “Мактаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлиги узвий ташкил этилади. Авваллари фақат маҳалла раисининг ўзи билан ҳамкорликда фаолият олиб борган бўлсак, эндиликда “маҳалла еттилиги” вакиллари мактаблардаги дарс жараёнлари, маънавий-муҳитга ўзларини жавобгар ҳис қилмоқда. Аслида, миллат қамолоти, фарзанд тарбияси йўлида ҳамжиҳатликда олиб бориладиган иш самарасини бермай қолмайди.

Мактабимизда “еттилик” ва Миллий Гвардия ходимлари ҳар куни даволатни назорат қилмоқда. Дарсга узрсиз ёки сабабсиз келмаётган ўқувчиларнинг хонадонларига бориб, ота-оналар билан суҳбат ўтказилиб, болаларнинг дарсда иштирок этмаслик ҳолатлари ўрганиляпти. Очиғи, баъзи ҳолларда ота-оналарнинг ишда эканидан фойдаланиб, турли баҳоналар билан дарс қолдириб келаётган ўқувчилар учраб туради. Бундан мактаб ҳам, ота-оналар ҳам бе-хабар қоларди. Оқибатда турли кўнгли-сиз воқеалар содир бўлганига кўп бор гувоҳ бўлдик. Эндиликда қатъий назорат ўрнатилгани ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиб, ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги масъулиятини кучайтиради.

Яна бир қувонарли жиҳати, узлуксиз дарс қолдириб юрган ўқувчилар билан самарали ишлаш мақсадида “Бир нуруний ўн нафар ёшга масъул” тамойили жорий қилиниб, маҳаллада обрў-эътиборга эга, хурмат қозонган, зиёли кишилар мураббий сифатида бириктириляётгани айрим адашган, хато қилган ёшларнинг тўғри йўлни топиб олишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Аввал мактаб маъмурияти таълимга ҳам, тарбияга ҳам, даволатга ҳам ўзи қайғурар эди. Бу борда маҳалланинг, ота-оналарнинг, ҳамкор ташкилотларнинг ўрни сезилмасди. Эндиликда янги тизим асосида ўқитувчилар фақат дарс жараёнларини тўғри ва сифатли ташкил этишга масъул бўляпти. Педагогнинг бор эътибори фақат таълимга қаратилган.

Яқинда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навоий вилояти болшармаси, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, Миллий Гвардиянинг вилоят бўйича бошқармаси ҳамкорлигида “Мактаб — ота-она — маҳалла” тамойили асосида иш олиб боришни такомиллаштириш бўйича семинар ташкил этилиб, ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар муҳокама қилинди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Қувонарлиси, ушбу тамойилни мактабларда жорий этишга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ мактаб директорлари қатори менга ҳам миннатдорлик хати топширилди. Бундан мамнунман, албатта.

Эндиликда ҳар бир ўқувчининг таълим-тарбияси маҳалла-қўй, ота-оналар, мактаб маъмуриятининг диққат-марказида бўлади. “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган нақл амалда ўз ифодасини топади.





Наманган туманидаги "Олахамак" маҳалласи ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МУҲАММАД ХАЙДАРОВ Учқўрғон тумани ҳокими бўлди.



Тошкент шаҳрида 2023-2024 йил куз-қиш мавсуми тугагач, ИССИҚ СУВ ВА ИСИТИШ хизмати учун тарифлар нархи ошади.



Андижонда Миср тажрибаси асосида ЗАРГАРЛИК МАХСУС ЗОНАСИ ташкил этилади.

МУЛОҲАЗА

## Депутатлар бирданига 2 та қонун лойиҳасини рад этди. Нега?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар иккита қонун лойиҳасини рад этди. Табиийки, бу кенг жамоатчилик вакилларида турли саволларни пайдо қилди. Нега бирданига 2 та қонун лойиҳаси рад этилди?

Депутатларнинг фикрича, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг амалдаги 171-моддаси биринчи қисмида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, транспорт воситасининг мулкдори маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Таклиф этилган қонун лойиҳасида ушбу жазага мазкур ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасининг мулкдори ёки транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий тартибда фойдаланган шахс тортилиши таклиф этилган. Лекин қонун ижодкорлари бу ғоя ва мақсадни қонун лойиҳасида тўғри ифода эта олмаган.

Биринчидан, транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий тартибда фойдаланиш тушунчасининг маъноси бирорта қонунда очиб берилмаган. Таклиф этилаётган нормага кўра, бу ҳолатда транспорт воситасининг мулкдори ҳам, транспорт воситасини бошқармаган юқоридаги шахс ҳам маъмурий жавобгарликка



тортилиши мумкин бўлиб қолган.

Иккинчидан, юқоридаги қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгариш ва қўшимча билан қонун ижодкори ўзига шарт-шароит ёки имконият яратмоқда. Унга кўра, 171-модданинг биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш содир этилса, хоҳласа транспорт воситасининг мулкдорини, хоҳласа ундан фойдаланган шахсни жавобгарликка тортиш имконияти яратилмоқда. Чунки, мазкур нормада "ёки" деган сўз ишлатилмоқда. Бу эса, коррупцияга олиб келиши мумкин.

Учинчидан, бугунги кунда транспорт воситалари ҳайдовчилари йўл ҳаракати қоидабузарлигини содир этганлик учун "жарима балларини ҳисоблаш тизими"ни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Таклиф этилаётган норма қабул қилинган тақдирда, келгусида "жарима балларини ҳисоблаш тизими" ишга тушганидан кейин транспорт воситасида йўл ҳаракати қоидабузарлигини содир этганлик учун жарима балларини транспорт воситасининг мулкдорига ёки мазкур

транспорт воситасидан фойдаланган шахсга нисбатан қўллашга доир норма турлича талкин этилиб, тушунмовчиликлар юзасига келиши мумкин.

Тўртинчидан, Ички ишлар вазирлиги ишлаб чиққан ҳуқуқат охириги уч ойда киритган ҳамда битта соҳага тегишли бўлган 3 та қонун лойиҳасининг ҳар бирида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 171-моддасига уч хил маънони англатадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган. Бундай ҳолат қонун лойиҳаларининг муҳокама ва қабул қилиниш жараёнини қийинлаштиради.

Иккинчи қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 285-моддасидаги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жойнинг ўзида жарима солинишини ва жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги қвтанция берилишини назарда тутувчи нормани бекор қилиш таклиф этилмоқда. Лойиҳа билан киритилаётган айрим қоидаларнинг ҳаётини зарурияти йўқлиги, қолаверса, юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилмаганлиги боис халқ вакилларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлди.



Йўлларга ажратилган минтақа теграсига чиқиб кетган мушук учун ҳам унинг эгасини топиш ва жавобгар қилиш керак бўлади, яъни аслида айбис бўлган шахсларни жавобгарликка тортишга тўғри келади.



Маълумки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасида "... йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боқиш" учун жавобгарлик назарда тутилган. Бироқ таклиф этилган лойиҳада йўлларга ажратилган минтақада уй ҳайвонларини боқиш ёки уларни қаровсиз қолдириш учун жавобгарлик белгиланмоқда. Ваҳоланки, уй ҳайвонига моллардан ташқари ит, мушук, товук, қуён, ўрдак, ғоз ва ҳоказолар қиради. Шу боис депутатларнинг фикрича, лойиҳанинг қабул қилиниши келажакда тушунарсиз ва қулгили вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, йўлларга ажратилган минтақа теграсига чиқиб кетган мушук учун ҳам унинг эгасини топиш ва жавобгар қилиш керак бўлади, яъни аслида айбис бўлган шахсларни жавобгарликка тортишга тўғри келади.

Бундан ташқари, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 136-138-моддаларига индивидуал ҳаракатланиш воситасини бошқариб бораётган шахсларнинг йўл белгилари талабларига риоя этмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмоқда. Бироқ бугунги кунда "индивидуал ҳаракатланиш воситаси" тушунчаси қонунчиликда очиб берилмаган. Шунингдек, ҳуқуқат қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларида индивидуал ҳаракатланиш воситаларини бошқариш бўйича талаблар ўрнатилмаганлиги ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган қоида учун жавобгарлик белгиланишига олиб келади.

Депутат қонун лойиҳасида яна бир норма ҳақида тўхтаган. Фото ва видео воситалар орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида қоидабузарлик тўғрисидаги маълумотларни жарима солиш ваколатига эга шахсга юбориш таклифида яна эскича қоида сақлаб қолиниб, бунда фақат транспорт воситасининг мулкдорини жавобгарликка тортиш назарда тутилган ҳолат.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛА ХАБАРЛАРИ

### "Тинчлик" да тиббий кўрик ўтказилди

Заврабод тумани "Тинчлик" маҳалласида "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари доирасида кўча ва хонадонларни ободонлаштириш, деворларни оқлаш ва ранг бериш ишлари олиб борилмоқда.

Туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари дастур доирасида ички йўлларни шағаллаштиряпти. Шунингдек, 15 февраль куни маҳалла аҳолиси учун оммавий тиббий кўрик ўтказилди.

Ушбу тиббий кўриқда малакали мутахассислар аҳолини тиббий аҳолини ўрганиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берди. Тиббий кўрик давомида маҳалла аҳолисига соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш ва тиббий маданият афзалликлари тўғрисида батафсил тушинтирилди.

### Маҳаллада «Янги нафас» марафони ўтди

Шароф Рашидов туманидаги маҳаллаларда шу номдаги шиор остида эрталабки бадантарбия машқлари ҳамда оммавий юриш марафони бўлиб ўтди.

"Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган марафонда туман аҳолиси, ёшлар, нурунийлар, фахрийлар, корхона ва ташкилот ходимлари иштирок этди. Бундан ташқари, иштирокчилар спортнинг турли йўналишларида беллашиб, ғолиб бўлган жамоаларга туман ҳокимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси.

ТАЖРИБА

## Қишда қулушнай шишди: бир мавсумда 30 миллион сўм даромад

Қаҳрамон АҲМЕДОВ, Тошлоқ туманидаги "Ҳўжаарик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси.

Ҳар бир ҳудуднинг "ўсиш нуқталари"ни ривожлантириб, одамларга иш ўрни ва даромад манбаи яратиш — давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади.

Фаолият бошлаганимдан кейин шу жиҳатга катта эътибор қаратдим. 3 634 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалланинг асосий "драйвер"и — деҳқончилик ҳамда иссиқхона йўналиши. Мана шу йўналишларни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга, бандликни таъминлашга эришяпмиз.

2023 йилги хатловда 28 нафар ишсиз аниқланган эди. Харақатларимиз натижасида барчаси ишли бўлди. Жорий йилги хатловда 12 нафар ишсиз аниқланган бўлса, ҳозирда уларни ишга жойлаш ҳаракати олиб борилмоқда.

Айнан "ўсиш нуқтаси"дан келиб чиқиб, 30 та хонадонда иссиқхона қурдик. Бу орқали 60 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Айниқса, ўсиш нуқтамизни ривожлантириш баробарида мигрантларни шу ерда ишли бўлишига эришмоқдамиз. Масалан, Фёсбек Турсунов бир қанча муддат Россия федерациясида ишлаб ватан



қадрни, оила соғинчини ҳис қилганлардан. Юртга қайтач, тавсиянома асосида 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб бердик. Шу маблағ ҳисобига яшаш хонадонидида бўш турган 8,5 сотихли ер майдонидида иккита иссиқхона барпо этди. Иссиқхонада қишда қулушнай етиштиришни йўлга қўйдим.

Иккита иссиқхонага жами 6 400 тул Жанубий Кореянинг "MaeHyang" ва Европанинг "Clegy" навли қулупнай кўчатлари август ойининг охирида экилган. Ноябрь ойи ўрталарида 3,5 сотихли иссиқхонадаги "MaeHyang" навли қулупнай

пишиб етилиб, илк даромадини беришни бошлади. Европанинг "Clegy" навли қулупнай кўчатлари эса 5 сотихли иссиқхонада пишиб етилиши учун алоҳида парваришланмоқда.

Қилган меҳнатлари самарасидан бугунги кунгача 30 миллионга яқин даромад олди. Иссиқхонада қулупнай яна пишиб етилмоқда. Олган даромадлари ҳисобига иссиқхонада иссиқлик тизimini ташкиллаб, қулупнай навларини кўпайтиришга интиломоқда. Эътиборлиси, бундай хонадон эгалари сони янада ортиб бормоқда.



Европанинг "Clegy" навли қулупнай кўчатлари эса 5 сотихли иссиқхонада пишиб етилиши учун алоҳида парваришланмоқда.



САРҲИСОБ

### Ҳоким ёрдамчиси ҳисобот берди

Хоразм вилояти Урганч тумани «Шоликорлар» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Маъмурбек Ражаповнинг ўтган 2023 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Урганч туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кумаклашиш бўлимидан масъул

лар, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

2023 йил сарҳисобига кўра, 57 нафар фуқароларнинг (доимий ва мавсумий) бандлиги таъминланган. 47 та лойиҳаларга 1 миллиард 126 миллион сўмлик

### Кеча ишсиз эди, бугун тадбиркор бўлди

Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги «Солижонобод» маҳалласининг «Драйвер»-ларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳага қизиқиш билдираётган кўлаб ёшларни учратиш мумкин.



Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шерзодбек Раҳмонов ёш уста Дилмурод Бобоевга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ҳудуддаги бўш турган бинолардан бирини тавсия этди. Тадбиркор бугунги кунда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини ташкил этиб, мижозлари ва даромадини ортирмоқда.



Янги қонунга кўра, давлат мулки харидорига мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ДАВЛАТ ОРДЕРИ берилади.



Марказий банк 1 та банк ва 1 та тўлов ташкилотига нисбатан ЖАРИМА САНКЦИЯСИ қўллади.



Санкция остидаги шахслар Ўзбекистон банкларида ҲИСОБ-РАҚАМ ОЧИШИ тақиқланиши мумкин.

ХАБАРЛАР

## “Ёш китобхон” танловининг финал босқичига старт берилди

Президентнинг беш муҳим ташаббуси доирасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида 2017 йилдан буён анъанавий тарзда “Ёш китобхон” танлови ўтказиб келинмоқда.

Тошкент шаҳридаги Ёшлар ижод саройида “Ёш китобхон” танловининг республика финал босқичининг очилиш маросими бўлиб ўтди ва танловнинг 1-шартига старт берилди. Танлов 15 февралдан 23 февралга қадар давом этади.

Дастлабки кунда 10-14 ёш тоифасидаги иштирокчилар 1-шарт — “Бадий асарлар билим-донини” шарти бўйича куч синашди.



ЖАРАЁН

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Табиийки, ушбу қатламнинг ўй-фикри, муаммо ва орзу-умидларига давлат алоҳида эътибор қаратади. Кейинги пайларда уларнинг келажагига ғамхўрлик, дахлдорлик ҳисси ҳар қачонгидан-да орди.

# Ватаннинг мард ўғлонлари маҳаллада улғаяди

Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг, 2024 йил 12 январдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида қайд этилганидек, глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётди. Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларни шу руҳда камол топтиришимиз зарур.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Табиийки, ушбу қатламнинг ўй-фикри, муаммо ва орзу-умидларига давлат алоҳида эътибор қаратади. Кейинги пайларда уларнинг келажагига ғамхўрлик, дахлдорлик ҳисси ҳар қачонгидан-да орди. Ислохотлар мазмунига эртамаиз эгаларига доир муҳим масалалар киритилди.

Бугун — ёшлар масаласида гап кетганда, ҳеч қачон четда қараб турмайидиган пайт. Айниқса, бугунги кескин шароитда яқин ва узоқ давлатларда кузатилаётган хунрезликлар, қарама-қаршиликлар ва тўқнашувлар, қолаверса, дунёдаги қудратли марказларнинг очикчасига босимлар ўтказётган вақтида “Ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёримизми?”, “Ёшларимизнинг тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераптими?”, деган саволлар ҳар



Бугунги кескин шароитда яқин ва узоқ давлатларда кузатилаётган хунрезликлар, қарама-қаршиликлар ва тўқнашувлар, қолаверса, дунёдаги қудратли марказларнинг очикчасига босимлар ўтказётган вақтида “Ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёримизми?”, “Ёшларимизнинг тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераптими?”



биримизни жиддий ўйлантириши ва ташвишга солиши лозим. Бу жараёнда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан-да муҳим. Бундай тарбия, энг аввало, оиладан, маҳалладан бошланади.

Сўнги йиллар бизга аниқ кўрсатиб бердики, муаммони шунчаки аниқлаш билан иш битмайди. Оилалар билан манзилли ишлаш, турли аҳоли қатламлари ўртасида тарғибот ишларини кенг олиб бориш бугуннинг долзарб масаласига айланади. Маҳаллалардаги тарбияси оғир, жиноят қилишга мойил ёки оиласидаги ўзаро низолар туфайли руҳий ҳолати ўзгарган ёшларнинг бугунги ҳаёти атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг соғлом турмуш тарзига қайтишига эътибор қаратиш зарур.

Асрлар оша ўзбек маҳаллаларида нуруний отахону онахонларнинг гапига доимо қулоқ тутилган. Улар орган кўчадаги нафақат ёшлар, балки катталар ҳам одиб сақлаб, кийиниши, юриштириши, гап-сўзига эътиборли бўлган. Бугун мана шу қадриятлардан унумли фойдаланиш пайти келди. Шу мақсадда носоғлом оилавий муҳитни юзага келтираётган, мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчи, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган шахсларнинг ҳар бирига маҳаллалардаги пирю бадавлат нурунийлар бириктириляпти.

Шу билан бирга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорлик тизими яратилиб, ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказилляпти.

Кекса авлод вакиллари “Бир нуруний ўн нафарга ёшга масъул” тамойили асосида профилактик ҳисобда турган ёшлар билан алоҳида шўғулланыпти. Таълим муассасалари ва маҳаллаларда “Уч авлод учрашуви”ни ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди.

Умуман олганда, бугун ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, ҳарбийлик касбига ҳурмат, Қуролини Кучлардан фахрлини туйғуларини юксалтириш, юрт тақдирини дахлдорлик ҳиссини оширишда обрў-эътиборга эга нурунийлар, зиёлилар, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари фаол бўлмоғи зарур. Маҳаллалар, таълим муассасаларида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш лозим. Ҳар бир йигит-қизнинг қалбига Ватанга хизмат қилишдек эзгу ниятни, улуг мақсадни синдириш керакки, фарзандларимиз эртанги кунга катта ишонч, умид ва орзулар билан улғайсин.

Зеро, Ватанини ҳимоя қилиш, унинг чегаралари дахлсизлиги ва тинчлигини сақлаш фақат ҳарбий хизматчиларнинг эмас, балки ўзини “Ўзбекистон фарзандиман” деб билган ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчи саналади. Тинчликни қадрлаш, улуғлаш, уни асраб-авайлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Тақдиротда Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Курбонов иштирок этди.

...Тантанали тадбирда кино, театр, адабиёт, тасвирий санъат, матбуот соҳасининг бир гуруҳ фаол вакиллари Мудофаа вазирлигининг “Ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун” кўкрак нишони билан тақдирланди. Аскарлар ва ижодкор зиёлиларнинг жонли мулоқоти қизғин ва самимий руҳда ўтди.

## Ёшлар форумидан ажойиб янгилик

Истанбул шаҳрида Ислом ҳамкорлиги Ёшлар форуми Бош Ассамблеясининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда юқори даражадаги делегатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, ИХТ минтақаси ёшлари иштирок этди.

Эндиликда мамлакатимиз ёшлари учун ташкилотга аъзо давлатлар ёшлари билан дўстона муносабатларини йўлга қўйиш ва мустақкамлаш, халқаро майдонда ўз овозига эга бўлиш имконияти янада кўпаяди. Шунингдек, таширф давомида Ислом ҳамкорлик Ёшлар форуми Президенти Таха Айҳан билан музокаралар ўтказилиб, келгусидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.



Тадбир якунида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ислом ҳамкорлик Ёшлар форумига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

# “Майдон, ўйингоҳ ва маҳаллага идора жуда зарур”

ТАКЛИФ



Нурмуҳаммад ОЛИМОВ, Наманган шаҳридаги “Осуда” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда “Бир нурунийга ўн нафар ёш”, “Кекса авлод учрашувлари” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўз навбатида бу каби тадбирлар ёшлар муаммосини тезкорлик билан аниқлаш ва ҳал этиш имконини бермоқда.

Маҳаллада “Ёшлар баланси” ни шакллантириш мақсадида ҳар бир хонадонга кирган ҳолда ёшлар муаммоларини ўрганиш орқали хатлов жараёнлари олиб борилди. Хатлов жараёнларини шаффоф ҳамда самарали олиб борилиши учун “Yoshlarbalansi.uz” электрон базаси ишга туширилди.

Муаммоларни ўрганиш натижасида 2 нафар ёшга тикувчилик машинаси берилиб, бандлиги таъминланди. 12 нафар ёш ишга жойланди. 15 нафари касб-хунар ўрганиши учун мономарказда ўқитилди.

27 нафар оғир тоифадаги ёшларга моддий ёрдам кўрсатилди. 3 нафарига тикув дастоғи берилиб, Довудхон Иминжоновнинг сафарбарлик чақирув резервининг (1 ойлик ҳарбий хизмат) бадал пули тўланди. Рўйхатдаги 7 нафар ёшларга моддий ёрдам кўрсатилди.



Бундан ташқари, 5 нафар мактаб битирувчиларини олий таълимга жалб этилди. 6 нафари ишга жойланди. 3 нафар кизларнинг хорижий тил ўқув курси тўлови қопланди.


Зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланган ёшлар бандлигини таъминлаш йўналишида ўтган 2023 йилда 2

НОРИН КЎЧАСИДАГИ КАМОЛХОН ДЕДАМИРЗАЕВ ТИКУВЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАНИГА КЎП БЎЛМАДИ. АММО БУГУНГА КЕЛИБ, ЎЗИ ТЕНГИ 12 НАФАР ТЕНҚУРЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИ.

нафар ишсиз рўйхатга олинганди. Хоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлиги таъминланди.

Ёшларнинг бундан ташқари мазмунли ўтказиш мақсадида турли тадбир ва мусобақалар ўтказиш анъанасига айланган. Жумладан, спорт мусобақалари ташкил этиш мунтазамлик касб этган. “Беш ташаббус олимпиадаси”

ХАТЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ШАФФОФ ҲАМДА САМАРАЛИ ОЛИБ БОРИЛИШИ УЧУН “YOSHARBALANSI.UZ” ЭЛЕКТРОН БАЗАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.



Қозоғистонда  
Тошкент ирригация  
ва сув ҳўжалиги  
муҳандислари  
ИНСТИТУТИ ФИЛИАЛИ  
очилади.



16 февралдан  
Ўзбекистон фуқаролари  
БАА ҳудудида  
30 КҮН ВИЗАСИЗ  
бўлиши мумкин.



Ўзбекистонликлар  
Озарбайжонда  
15 КҮН ДАВОМИДА  
рўйхатдан ўтмай  
юриши мумкин  
бўлди.

## Муаммолар сектор – “еттилик” кўмагида ҳал этиляпти

ТАДБИРКОРЛАРГА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТОПШИРИШГА КўМАКЛАШАЯМАН.

Жаҳонгир АЛИМОВ,  
Оҳангарон шахридаги  
“Ешлик” маҳалласи солиқ инспектори.

Бугунги кунда солиқ ходимлари маҳалладаги “еттилик” билан ҳамкорликда солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишда кўмаклашиш каби 21 та йўналишда иш олиб борапти.

Соҳа ходимларининг “маҳаллабай” тизими асосида фаолият юритиши маҳаллаларда қўшимча даромад манбаларининг яратилиши ва маҳаллий бюджет тушумларининг ошишига хизмат қилмоқда.


“Ешлик” маҳалласига бириктирилганимда, дастлаб хатлов ишларини амалга оширдим. Тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ тўловчилар билан яқиндан танишдим. Кунлик режа-жадвал асосида уйма-уй юриб, аввалига ўрганиш, ундан сўнг тушунтириш ишларини олиб бордим.

Айни пайтда ҳудудда 58 тадан ортиқ тадбиркорлик субъекти, 784 нафар мол-мулк ҳамда 569 нафар ер солиғи тўловчиси бор. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган 213 нафар фуқаро яшайди. 2023 йил якунларига кўра, кўрсаткич режа ижросини 105,8 фоизга, жорий йилнинг январь ойида эса 101,5 фоизга бажардим.

Солиқларнинг вақтида тўланишини таъминлашда

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида иш олиб бориш муҳим. Яъни, тадбиркорлар билан учрашганда, аввало, улар қандай фаолият юритишгаётгани, мавжуд муаммолари ҳақида сўрайман. Мавжуд муаммолари масалаларни сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги” кўмагида ҳал этишга ҳаракат қиламан.

Тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-қасса машиналаридан мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ҳодимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаклик кераклигини тушунтиряман. Бъзан, айрим тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяман.



“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида иш олиб бориш муҳим.

ТАҲЛИЛ

## Тадбиркорлар сонини 110 мингга ошириш қандай иқтисодий натижа беради?



2024 йилда 110 мингга яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши мамлакат ЯИМга 10 миллиард доллардан ортиқ маблағ қўшилишига олиб келиши мумкин.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаровонликни ошириш, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш каби мақсадлар белгиланган. Бу амбиция, биринчи навбатда, иқтисодий ўсиш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви раёбатлантиришининг муҳим кўрсаткичи бўлган ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон стратегик жиҳатдан бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш орқали иқтисодий ўсишни кучайтиришга эътибор қаратмоқда. Шу боис жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳасида кичик бизнес тури бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар сонини 110 мингга кўпайтириш мақсад қилинган.

Ҳўш, яқка тартибдаги тадбиркорлар сонини 110 мингга ошириш қандай иқтисодий натижа бериши мумкин. Бу ҳақда Прогрессив ислохотлар маркази экспертлари ўтказган таҳлили орқали билиб олишингиз мумкин.

Маъмур қиёсий таҳлилда Осиё мамлакатларида кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар сони, уларнинг ЯИМга қўшган ҳиссаси, кичик ва ўрта бизнесдаги бандлик нисбати, уларнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши ва ушбу субъектларга банк кредитлари миқдори каби кўрсаткичлар эътиборга олинган.

Эконометрик таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистонда ҳар бир янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти мамлакат ялли ички маҳсулотга қарийб 100 минг доллар миқдоридан ҳисса қўшиши мумкинлиги аниқланди. Ҳукумат томонидан қўйилган мақсаднинг бажарилиши, яъни 2024 йилда 110 мингга яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши мамлакат ЯИМга 10 миллиард доллардан ортиқ маблағ қўшилишига олиб келиши мумкин.

2018 йилдан 2022 йилгача Ўзбекистонда битта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг иқтисодиётга қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси 111 минг доллардан 74 минг долларгача пасайиш тенденцияси кузатилган. Бунга сабаб қилиб COVID-19 пандемия даврини кўрсатиш мумкин. Эконометрик таҳлил натижаларига кўра,

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самаралилик даражаси пандемиядан аввалги давр кўрсаткичларига етиб олмоқда.

Осиёнинг энг кучли иқтисодиётига эга мамлакатларидан бири бўлган Сингапур битта кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ЯИМга қўшадиган ҳиссаси энг юқорилардан бири ҳисобланиб, 2022 йилда 750 минг доллар миқдорини кўрсатган. Марказий Осиёда ва таҳлил ўтказилаётган мамлакатлар орасида энг кўп миқдордаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига эга Қозоғистонда битта кичик ва ўрта бизнес субъектининг иқтисодиётга қўшадиган ҳиссаси 45 минг долларни ташкил этган. Қирғизистонда 232 минг долларни кўрсатиб, Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта натижани қайд этмоқда.

Энг кескин ўсиш Қозоғистонда кузатилган. Яъни бу мамлакатда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони 2022 йилда деярли 2 миллионга етган ва аввалги йилга нисбатан 25 фоиз ўсиш кузатилган. Ушбу ажойиб ўсишга ККС тўловлари чегарасини камайтириш, яъни 30 минг қарра базавий ҳисоблаш миқдоридан 20 минг қаррага ўзгартирилиши сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ўзбекистонда ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони 2018 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда сезиларли даражада ўсиш ва 524 мингга етган.

Жануби-Шарқий, Марказий ва Ғарбий Осиё мамлакатлари орасида кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони бўйича Қозоғистон ва Малайзия етакчилик қилган бўлса-да, 2021 йилда бундай бизнес субъектларининг ЯИМга қўшган умумий ҳиссаси бўйича Грузия, Тожикистон ва Ўзбекистон ЯИМларининг 50 фоиздан ортигини ташкил этиб, етакчи бўлган. 2022 йилда бундай энг катта кўрсаткич Сингапур ва Ўзбекистонда қайд этилган, яъни бу даврда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиётига бир хил, яъни ЯИМнинг 48 фоизи кўрсаткичида


ҳисса қўшган.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ўсишида, катталашшида, янги лойиҳаларни амалга оширишида ва иқтидорли кадрларни жалб қилишида кредитларнинг ўрни беқийс. 2022 йил Грузия ва Қирғизистонда кичик ва ўрта бизнес субъектларига энг катта миқдорда, яъни Грузияда ЯИМнинг 25 фоизи, Қирғизистонда ЯИМнинг 20 фоизи миқдоридан кредитлар ажратилган. Грузияда бу кўрсаткич аввалги йилларда ЯИМнинг 14–15 фоизи даражасида ажратилган кредитлардан кўра сезиларли ўсишга эришган ва бундай ўсиш асосан, ҳукуматнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътиборни кучайтириши ва уни иқтисодий ўсиш, иш ўринлари яратиш ва инновациялар учун муҳим деб эътироф этиши билан боғлиқдир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бандлик соҳасида Ўзбекистон ва Сингапур мамлакатларидаги барча ишчи кучининг 70 фоиздан ортиғи кичик ва ўрта бизнес субъектларида ишлайди. Сингапурда кичик ва ўрта бизнес субъектлари тақлиф этаётган иш вақтининг мўлҳавачилиги кўпчилигини ушбу корхоналарда ишлашга жалб қилувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббуслари нуқтаи назардан, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш унинг глобал иқтисодий мавқеини қайта шакллантиришда муҳим кадам сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакат ялли ички маҳсулотда кичик бизнеснинг ўрни уларнинг ташкил этилишига маҳаллий талабнинг сезиларли даражада эканини кўрсатади. Бу мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ишончли суд тизимини қўллаб-қувватлаш, ошкораликни ошириш ва қонун устуворлигига риоя қилиш орқали қулай муҳитни яратиш иқтисодий ўсишга ва яширин иқтисодиётнинг қисқаришига олиб келади.

СИЗ УЧУН МУҲИМ



Нафақат ўзингизнинг, балки ота-онангизнинг ҳам ер ва мол-мулк солиқларини тўлашингиз мумкин.

### Ортиқча эътирозга ўрин қолмайди, агар...

Жисмоний шахслар ер ва мол-мулк солиқларини турли мобил иловалар орқали тўлаш имконияти яратилган. Лекин айнан Солиқ мобил иловасида тўлашнинг қатор қулайлик ва афзалликлари бор.

Тўловни амалга ошириш учун кўп вақт талаб этилмайди. “Солиқларни тўлаш” илованинг асосий экранига жойлаштирилган бўлиб, ушбу бўлимда объектларингиз ҳамда тўлашингиз керак бўлган солиқ суммалари автоматик ҳосил бўлади. Нафақат ўзингиз, шунингдек, биргина тугма орқали ота-онангизнинг ҳам ер ва мол-мулк солиқларини тўлашингиз мумкин.

“Солиқларни тўладим, лекин ҳалиям қарздорлик турибди”, “нотариусда кўринмаяпти”, “1 соатдан кейин кўринди”, деган эътирозларни эшитган бўлсангиз керак.

Солиқлар Солиқ мобил иловасида тўланганда бундай эътирозларга ўрин қолмайди. Сабаби, тўланган солиқларингиз бир неча сония ичида солиқ органлари базасида кўринади. Бошқа иловалардан фарқи равишда солиқ мобил иловаси орқали барча объектларингиз учун бирданига ёки ҳар бир объектнинг учун алоҳида-алоҳида солиқ тўловларини тўлаш имконияти бор.


Даврон ҲОШИМОВ,  
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

### Дориларнинг сохтасини қандай аниқлаш мумкин?

Дори воситаларининг қонунийлигини билиш доридорлари рақамли Data Matrix кодни сканерлаб, дори ҳақида барча керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Унда маҳсулот тавсифи, қаддоқ сақлашни керак бўлган ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо нуқтаси тўғрисидаги маълумотлар ва дори воситалари учун руҳсат берувчи ҳужжатлар ҳақида маълумот мавжуд.

Илова Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий муомалада бўлган дори воситаларини ўқий олади. Агар илова кодни ўқиса, бу дори воситаси қонуний равишда ишлаб чиқарилган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб қилинганлиги билдиради. Агар ўқимаса, уни сотиб олмаклик, илова орқали қонунбузарлик ҳақида хабар бериш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, илова орқали маийш техника, алкоголь ичимликлари, тамаки маҳсулотларининг ҳақиқийлигини текшириши мумкин.



Мобил илова интерфейси рус ва ўзбек тилларида мавжуд бўлиб, Google Play ва App Storeдан юклаб олинг.

Раҳматилла УБАЕВ,  
Саида ҒУЛОМОВА,  
иқтисодий таҳлилчилар.



Ўзбекистондаги веб-ресурсларга 2023 йилда 11,2 млн.дан ортиқ киберхужумлар уюштирилган.



Ўзбекистонда ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ даражаси 42 фоизга етиб, талабалари сони 1,3 млн. нафардан ошди.



Самарқанд вилоятида "ОХАЛИК – ОҚБЎЙРО – МИРОНКУЛ" туристик-рекреацион зонаси ташкил этилади.

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

# ПРОБАЦИЯ ҲИСОБИДА ТУРГАН 35 НАФАР ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

## МАҲАЛЛА ХУДУДИДА СОДИР ЭТИЛГАН 210 ТА ХУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛАТИ АНИҚЛАНИБ, ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Маҳалла шаҳар марказида жойлашган. Шу боис аҳоли гавжум манзиллар кўп. Иккита йирик, ўнлаб кичик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Битта мактаб ва унинг филиали, битта давлат, тўртта хусусий боғча бор.

Аҳолининг аксарияти паррандачилик билан шуғулланиб, туҳум ва гўшт етиштирилади. Айрим хонадонларда икки минггалаб товуқ боқилади. Ҳамма иш билан банд бўлган, жиноятчилик ҳам бўлмайди. Бирок гуруч курмакисиз бўлмаганидек, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ўтган йили "маҳалла бешлиги", жорий йилдан "маҳалла етилиги" ҳамкорлигида ишлаяпмиз.

Аввало, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш мақсадида маҳалладаги асосий кўчаларнинг кириш жойларига 8 та видеокузатув камералари ўрнатилиб, профилактика инспектори хонасига интеграция қилинди. Маҳаллага миллий гвардия, пробацция ва патруль-пост хизмати ходимлари бириктирилди. Ўтган йили ҳуқуқбузарлик содир этиши ва ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 52 нафар шахс билан алоҳида профилактик тадбирлар ўтказилиб, 5 та низоли оила яраштирилди, 15 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди, 12 нафар ҳуқуқ субсидия ажратилди. Пробацция ҳисобида турган 35 нафар фуқаро ишли бўлди. Бундан ташқари, маҳал-



Чет элда бўлиб қайтган 90 нафар фуқаро билан профилактик ишлар амалга оширилди.

Гулистон шаҳридаги "Улуғбод" маҳалласи профилактика инспектори Шохрух Тошпўлатов "Намуналик маҳалла ҳуқуқ-тартиб масканлари" кўрик-тапловининг Спирдарё вилояти босқичида 1 ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

ла ҳудудда содир этилган 210 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, жазо муқаррарлиги таъминланди. 12 нафар "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натияжада ов қуролига эга

бўлган 14 нафар фуқаронинг 2 нафарига ов қуролини сақлаш қонунини бузгани учун тегишли чора кўрилди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарқатган 165 нафар шахснинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан

қариндошлари билан мунтазам иш олиб борилди. Чет элда бўлиб қайтган 90 нафар фуқаро билан профилактик ишлар амалга оширилди. Шунингдек, мактабларда, корхона ва ташкилотларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний

қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган тушунтириш-тадбирлари ўтказилмоқда.

Худуддаги 12-мактабда "Давомат" тадбирлари ўтказилмоқда. Шу кунга қадар дарс машғулотларига мунтазам қатнашмасдан келаётган 3 нафар ўқувчи аниқланиб, уларнинг нима сабабдан дарс машғулоти келмаётгани ўрганилди. Воғна етмаганларнинг ота-онасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, дарс машғулотларига фарзандларнинг ўз вақтида қатнашиши юзасидан яқка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Шукрки, жорий йил давомида худудда бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Мақсадим, худудда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда халқ манфати йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этишдир. Бу борада ишларни янада жадаллаштириб, "маҳалла етилиги" ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда келгуси вазибаларимизни белгилаб олди.

**Шохрух ТОШПЎЛАТОВ,**  
Гулистон шаҳридаги "Улуғбод" маҳалласи профилактика инспектори.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

## “ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ЙЎК!”

Аёл оиланинг бекаси, фарзандлар тарбиячиси. У оилада ўзини хотиржам ва бахтли ҳис қилмас экан, оила кўрғони таназзулга юз тутарди. Эрак томонидан муттассил равишда камситишлар ва ҳақоратлар, зўравонликнинг турли кўринишлари аёл ва фарзандларнинг ҳаётига бўлган қизиқишларини сўндириб бораверди. Бундай оилаларнинг охир-оқибатда нималар билан яқун топишини оғир ҳаётий воқеалар мисолида кўряпмиз ва эшитяпмиз.

Маълумотларга кўра, ўтган йил давомида Тошкент шаҳар аёллар реабилитация ва мослаштириш марказига 560 нафар тазйик ва зўравонликка учраган аёллар мурожаат қилган. Шу боис Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хотин-қизлар бўйича инспекторлари ташаббуси билан “ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ЙЎК!” лойиҳаси иш бошлади.

Эзу мақсадларни кўзлаган лойиҳага қатор ташкилотлар ҳамкор бўлиб кўшилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент шаҳар аёллар реабилитация ва мослаштириш марказида бошланган дастлабки тадбирда пойтахтдаги маҳаллалардан аёллар тақриф этилиб, уларга лойиҳанинг мақсад ва вазибалари ҳақида маълумотлар берилди. Шу кунги соғлиқни сақлаш бошқармаси аёллар учун тиббий кўрик ташкил этиди.



Тошкент шаҳар аёллар реабилитация ва мослаштириш марказига 560 нафар тазйик ва зўравонликка учраган аёллар мурожаат қилган.

Турли ташкилотлар ўтказган сайёр қабулда оилада тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар мурожаатлари эшитилиб, айримлари шу жойининг ўзида ҳимоя ордерлари расмийлаштирилиб, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди.

Тошкент шаҳар аёллар реабилитация ва мослаштириш маркази раҳбари Дилфуза Султонованинг

маълум қилишича, “Зўравонликка йўл йўк!” лойиҳаси давомида тазйик ва зўравонликка учраган оилаларга психологик, тиббий, ҳуқуқий, бизнес маслаҳатлар, зўравонлик содир этган шахсларни тузатиш дастуридан ўтказиш, уларнинг хулқ-атворини ўзгартириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати.

ОГОҲ БЎЛИНИ!

## Педофил 16 йилга қамалди

Кун кеча Болалар Комбўдсмани жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судида бола (2017 йилда туғилган қиз)га нисбатан содир этилган жинсий жиноят (ЖКнинг 119-моддаси, 4-қисми) юзасидан ёпиқ тарзда ўтказилган суд процессида боланинг қонуний манфаатлари нуктаи назаридан иштирок этди.

Суд мазкур оғир жиноятни ҳар томонлама, ҳолисона ўрганган равишда, ишдаги далиллардан ва иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчини айбли деб топди ҳамда унга амалдаги қонун доирасидаги қатъий жазо чораси – 16 йил озодликдан маҳрум қилиш (қаттиқ тартибдаги колонияларда ўтатиш) жазосини тайинлади.

Этиборлиси, бундай тоифадаги жиноятлар учун жавобгарликнинг янги тартибига биноан, мазкур ҳукм қонуний кучга кирганидан



Жазони юмшатишнинг ҳеч бир чораси қўлланилмайди ва у жазони тўлиқ ўтайди.


сўнг маҳкумга нисбатан жазони юмшатишнинг ҳеч бир чораси қўлланилмайди ва у жазони тўлиқ ўтайди. Бугунги кунда судларимизда бола ҳуқуқларини ишончли таъминлаш борасида алоҳида қатъий ва боланинг энг устуун манфаатларини ҳимоя қилишга устуворлик ёндашуви мустақамланиб бораётган ниҳоятда муҳимдир. Бундай ёндашув янада барқарор давом этиши зарур!

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, болаларга

нисбатан содир этилаётган бу тоифадаги жинсий жиноятларни, шу жумладан, мазкур иш материалларини ўрганиш ҳам шунини кўрсатяптики, афсуски, бундай қабих жиноятларни содир этишда жиноятчиларга боланинг айна пайтадги қаровсизлиги, бегона шахсга ишонувчанлиги ва ундан мутлақо ҳайқмаслиги каби ҳолатлар кўп келмоқда.

Фарзандларимизни бундай мудҳиш вазиятлардан асраш учун, энг аввало, кичик ёшдаги

Болалар омбудсмани.



Фирбирлар 5 йилга қамалди.

## Ихтиро ўтирликка эмас, таракқиётга хизмат қилса...

Рақамли технологиялар ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Қўлимиздаги оддий телефонда кўплаб мобил дастурлар, иловалар бор. Афсуски, баъзи фуқаролар бунда ўз манфаатини ўйлаб, қаллоблик йўлини танлаяпти. Сўнгги пайтларда кибержиноятларнинг кўпайиб бораётгани буни яққол кўрсатиб турибди. Тошкент шаҳрида яшовчи, тадбиркор Ш.Ш. ҳамда Турин политехника университети талабаси А.Ю.

Мобил дастурлар яратиб, улар орқали ўзгаларнинг пластик карталаридаги маблағларини ўтирлаган киберфирбирларга суд ҳукми ўқилди.

ахборот тизими орқали одамларни “чув” тушириш режасини тузган. Улар интернет ижтимоий тармоғидан фойдаланиб, “Agrobank

mobile” зарарли иловасини яратади. Мазкур илова орқали фуқароларнинг пластик картасидан эркин фойдаланиш имконияти-

га эга бўлган. Дастур ёрдамида фуқаро А.Н.нинг пластик картасидаги 47 миллион 235 минг сўм миқдоридagi пул маблағини биржада криптовалютага алмаштирган ҳолда мазкур маблағларни яширин равишда талон-торож қилади.

Бундан ташқари, фуқаро О.Ж.нинг картасидаги 45 миллион 225 минг сўм миқдоридagi пул маблағларини криптовалютага алмаштирган ҳолда ўзлашти-

риб олган. Фарғона вилояти ИИБ киберхавфсизлик бўлими ходимлари мазкур ҳолатлар бўйича тезкор техник тадбирлар ўтказганида, икки фирбирларнинг қилмиши фож бўлди. Судланувчиларга суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**Нодирбек РАИМКҲУЛОВ,**  
Фарғона вилояти судининг судьяси.



Ўзбекистонда МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА навбатдаги чакирув эълон қилинди.



Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда Ўзбекистонда 21 012 НАФАР ЭГИЗАК бола туғилган.



Тошкентда 29 февраль – 1 март кунлари “Hotel Business Forum – 2024” ХАЛҚАРО ФОРУМИ бўлиб ўтади.

## Янги ижтимоий тузилма инсон манфаатларига хизмат қилади

Статистик маълумотларга қараганда, бугун аҳолининг 40 фоизга яқинроғи турли йўналишдаги ижтимоий нафақа ва ёрдамлар олмакда. Бу боқимандалик кайфиятига тушиш натижасида давлат берадиган пулга қараб, ижтимоий, маънавий заиф қатламнинг ортиб кетаётганидан дарак эмасми? Ёрдамга муҳтож аҳоли қолиб, қўша-қўша уйи, машинаси бор айрим одамлар ёрдам олишдан умидвор экани бор гап.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий вазифаси кўмакка муҳтож аҳоли билан индивидуал тарзда ишлаб, зарурий ёрдам ва хизмат кўрсатиш, уларни жамиятнинг фаол қатламига айлантириш, ҳақиқий муҳтожларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Фуқароларнинг соғлигини тиклаш, моддий ёрдам ҳамда иш билан таъминлаш, психологик ва маънавий жиҳатдан соғломлаштириш орқали аҳоли орасида тушқунлик ва боқимандалик кайфиятини бартараф этиш устувор вазифамиз саналади.

2023 йил октябрь ойидан тажриба тариқасида вилоятимизнинг Узун тумани ва Термиз шаҳрида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилиб, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилди. Бошқарма ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан ишлашда 2023 йилнинг 15 октябридан 26 та, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб яна 23 та хизмат тури қўшилиб, жами 49 та ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилиши белгиланган.

Эндиликда фуқаролар ёшга оид нафақа, боқувчисини йўқотганлик нафақаси, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вақилига нафақа, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа (1 ва 2-гурӯх, 18 ёшдан катта), 1 ва 2-гурӯх ногиронлари учун нафақа, кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа (“Суяночи пули”), дафн қилиш учун нафақа (“Дафн пули”) каби ёрдамларни олиш учун, ижтимоий ходимларга, шунингдек, хуудлардаги “Инсон” марказларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ходимлар дастлаб, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ҳолатини ўрганган ҳолда иқтисодий аҳолини тахлил қилмоқда. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва



Мухиддин ТОҒАЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқарма бошлиғи.

СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, БУГУН АҲОЛИНИНГ 40 ФОИЗГА ЯҚИНРОғИ ТУРЛИ ЙўНАЛИШДАГИ ИЖТИМОИЙ НАФАҚА ВА ЁРДАМЛАР ОЛМОҚДА. БУ БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИГА ТУШИШ НАТИЖАСИДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ПУЛГА ҚАРАБ, ИЖТИМОИЙ, МАЪНАВИЙ ЗАИФ ҚАТЛАМНИНГ ОРТИБ КЕТАЁТГАНИДАН ДАРАК ЭМАСМИ? ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚОЛИБ, ҚўША-ҚўША УЙИ, МАШИНАСИ БОР АЙРИМ ОДАМЛАР ЁРДАМ ОЛИШДАН УМИДВОР ЭКАНИ БОР ГАП.

уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш ҳамда маълумотларни тақдим этиш ишлари самарали ташкил этилмоқда. Маҳалладаги мурожаатларни “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига етказилиши белгиланган.

Орта қолган қисқа давр мобайнида ижтимоий хизматлар бўйича 358 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 307 таси ижобий ҳал этилган, 30 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилиб, 4 та ҳолатда мурожаатлар рад этилган. 17 та мурожаат эса ўрганиш жараёнида.

Бугунги кунга қадар эҳтиёжманд фуқаролар 2 576 та реабилитация техник воситалари ҳамда 701 та (332 нафарга) протез-ортопедия мосламалари билан таъминланди. Айни вақтда ҳудудимизда 97 нафар ўзгалар парваришига муҳтож, яқка-ёлғиз (ҳеч кими йўқ) кексалар ва ногиронлар, 291 нафар ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилади. Улар режа-жадвал асосида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан ҳамкорликда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди ҳамда ижтимоий ходим ассистентлари хизмат кўрсатмоқда.

Вилоятда вояга етмаганлар 1 миллиондан ортиқ бўлиб, шундан, 1 минг 68 нафари васийликка, ҳомийликка, оилга тарбияга (патронат) ҳамда оилавий болалар уйига берилган болалар ҳисобланади.

Айни вақтда 14 893 нафар ногиронлиги бўлган болалардан 1 644 нафари уйда таълим олишга, 102 нафари эса инклюзив таълимга жалб этилган. Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасидан олиб келинган 10 нафар қизнинг 8 нафари оилга қайтарилиб, 2 нафарига Сурхондарё вилояти ИИБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ёрдам кўрсатилмоқда.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдамларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш учун тезкор “Ишчи гуруҳлар” тузилиб, энг юқори кўрсаткичдаги Бандихон туманида 8 160 та оила, Шўрчи туманида 24 232 та оила, Олтинсой туманида 19 857 та оила, Узун туманида 273 та оилаларнинг “хонадонбай” иқтисодий аҳоли, яшаш шароити, норасмий даромадлари ўрганилди. Натижада болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар сони 41 615 та (6 фоиз)га камайди.

Дарҳақиқат, бугун маҳалла мукамал тузилмага айланган. Ҳар бир йўналишда халқ манфаати учун хизмат кўрсатилмоқда. Ижтимоий ходимлар тухум харид қилиниб, вилоятларга етказиб берилади. Энг асосийси, бу орқали маҳалла аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлди.

Бедана тухуми ва гўшти етиштириш билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит ажратиш, лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши ҳамда беданани

ўз вақтида ветеринария назоратидан ўтказиш, наслини яхшилаш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор берилмоқда. Кредит олиш бўйича “йўл харитаси” белгилаб олинди. “Хонадонма – хонадон” мезони асосида паррандачилик, бедана тухуми етиштириш билан



### ТАЖРИБА

## Оҳаликлар ҳам оилани, ҳам бозорни тўкин қиляпти

Бекорчилик, турли жанжаллар, оилавий ажраллишлар улар учун ёт, маҳалла аҳли ободлик, фаровонлик, кут-барака, деб яшайди

“Маҳалла етилиги” тизimini ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – мавжуд муаммоларни жойида, ўз вақтида ва сифатли бартараф этиш билан бирга, аҳоли орасида боқимандалик кайфиятига барҳам беришдан иборат. Самарқанд туманидаги “Оҳалик” маҳалласида бу борада ўзига хос тажриба шаклланди.

Иномжон СИДДИҚОВ, Самарқанд туманидаги «Оҳалик» маҳалласи раиси.

Маҳалладаги 771 та хонадонда 3 733 нафар аҳоли истиқомат қилади. Эътиборли жиҳати, хонадонларнинг қарийб барчасида оилавий тадбиркорлик йўлга қўйилган. Оҳаликлар паррандачилик, хусусан, бедана тухумини етиштиришнинг ҳадисини олишган. Айни кунларда бу ерда юздан ортиқ хонадонда 60 минг бошдан зиёд бедана парваришланиб, кунига 50-55 минг дон бедана тухуми етиштириляпти. Хонадон вакиллари ўзини ўзи банд қилиш баробарида маҳсулотни нафақат республикамиз, балки қўшни давлатларга экспорт қилмоқда.

Бедана тухуми ва гўшти шифобахшлиги боис унга талаб юқори. “Маҳалла етилиги” билан ўрганиш давомида бедана тухуми

Бир йилда бедана 200-230 донагача тухум беради. Тухумдан чиққан полонларнинг 70-80 фоизи яшаб кетади. Аммо бедана парвариши жуда нозик ва жиддий эътиборни талаб қилади. Шовқин ва ёруғликка жуда таъсирчан бўлгани боис улар парваришланаётган хонани товуш ўтказмайдиган қилиб жиҳозлаш ва ёруғлик кам тушишига эътибор қаратиш лозим. Катта беданаларни бир кечакундузда 2-3 марта озиклантириш лозим. Омикта ем таркибида дон, ун 60 фоизи, оқсилли аралашма 35 фоизи ҳамда минерал аралашма 5 фоизи ташкил этиши керак.

етиштириш ҳудуднинг асосий “драйвери” этиб белгиланди. Етиштирилган маҳсулотни сотиш тизимли асосда йўлга қўйилган. Ҳар куни махсус автомашиналар орқали аҳоли хонадонларидан тухум харид қилиниб, вилоятларга етказиб берилади. Энг асосийси, бу орқали маҳалла



Ҳар куни махсус автомашиналар орқали бедана тухумлари вилоятларга етказиб берилади.

банд бўлган аҳоли қатламини қийнаётган муаммолар тизимли ўрганилиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Худудда ишсизлик деярли йўқ. Бу соҳада, асосан, хотин-қизлар ўзини ўзи банд қилган. Доимий даромад манбаи бўлгач, турли оилавий келишмовчиликлар учрамайди, ажраллишлар, жиноятчилик ҳолатлари қайд этилмайди.

Сирасини айтганда, Самарқанднинг тоғли худудларидан ҳамда яшаб, ҳам оиласи, ҳам бозорлар тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган оҳаликлар ўз меҳнатидан мамнун. Ҳар бир оила ғайратига ғайрат қўшилиб, берилган имкониятлардан самарали фойдаланишни ўйлайди. Бекорчилик, турли жанжаллар, оилавий ажраллишлар улар учун ёт, маҳалла аҳли ободлик, фаровонлик, кут-барака, деб яшайди.

